

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСР ШАҲАР
МАДАНИЯТИ АНЪАНАЛАРИ**

*Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 80
йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуманига йўлланган маърузалар
тўплами*

Тошкент-2022
© «YANGI NASHR»
нашриёти

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети археология кафедрасининг ташкил топганлигини 80 йиллик санасига бағишланган халқаро конференциясига тақдим этилган илмий маърузаларни ўзида мужассам этган. Конференцияда иштирок этишга чорловда эълон қилинганидек, тезислар ўзбек ва рус тилларидан бирида тақдим этилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам тўпламдаги материаллар ана шу икки тилда нашр этилди. Барча ўз маърузаларини вақтида юбориб анжуман иштирокчиларига тарих ва археология соҳасидаги муҳим янгиликларни эълон этилаётганлиги учун уларга чуқур ташаккур билдирамиз. Халқаро анжуманга юборилган бир қисм маърузалар матни анжуман мавзуйига монанд бўлмаганлиги туфайли буларни анжуман оргкомитети ва таҳририят ушбу тўплам киритмасликка қарор қилди.

Масъул муҳаррир: Р.Х. Сулейманов

**Таҳрир ҳайъати: З.Р. Ишонхўжаева
З.А. Саидбобоев
Ф.Б. Очилдиев**

**Муҳаррирлар: Ш.Б. Шоназаров
Ф.Б. Очилдиев
О.У. Мўминов
Ж. Т. Аннаев**

Тақризчи: А.С. Сагдуллаев

Муаллифлар келтирилган статистик ва бошқа маълумотлар учун маъсулдирлар

ISBN 9789943330719

© «YANGI NASHR» нашриёти

имкон қадар тарих дарсининг илмий-методик ва дидактик жиҳатдан давр талаби даражасида ўтказишга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. «Ўзбекистон» 1992, 73-бет.
2. К.Скрябин, академик, Нобель мукофоти лауреати. Сборник “Учитель в моей жизни”. М., 1966, стр. 96-97.
3. Н.Жўраев. Агар огоҳ сен... Тошкент, “Шарқ”, 1998, 207-бет.

Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилиқнинг ўрганилиш тарихидан

Очилов А.Т.
Бухоро давлат университети
ўқитувчиси

Маълумки деҳқончилик, хусусан суғорма деҳқончилик азалдан Ўрта Осиёлик зироатчилик, деҳқонларнинг асосий касблари ва аҳолининг бош тирикчилик манбаларидан бири ҳисобланиб келинган. Азалдан Ўрта Осиёда зироаткорлик воҳаларнинг сув билан таъминланганлиги ёки таъминланмаганлиги нуқтайи назардан суғорма ва лалми деҳқончиликка ҳар икки тури бўйича каттадан-катта мувоффақиятларга эришганлар. Уларни авлоддан-авлодга ўтказганлар. Қадимдан деҳқончиликнинг ҳар икки тури, айниқса суғорма деҳқончилиқни ривожлантиришга замонасининг подшолари, ҳокимлари, миришкорлар, деҳқонлар, соҳибкорлари ва мироблари катта эътибор берганлар.

Аммо ўтмишда суғорма деҳқончилик тарихини илмий ўрганишга у қадар эътибор берилмаган.

Ирригация тарихини ўрганиш масаласига қисман бўлсада, тўхтатмоқчи эканмиз деб ёзади А.Мухаммаджонов, аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига, айниқса, қадимги деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ирригация техникасининг тараққиёти тарихига бағишланган монографик асарлар то ҳозирга қадар деярли кам яратилган. Чунки Ўрта Осиёнинг қадимги давр ирригацияси тарихини ўрганиш учун асосий манба ҳисобланган, узоқ ўтмишнинг сув иншотлари ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари ҳозирги деҳқончилик воҳаларида деярли сақланмаган ёки кам сақланган. Зеро бундай археологик ёдгорликлар фақат қадимги суғорилган ерларнинг бағридагина маълум даражада сақланиб қолган бўлсада, бироқ уларни топиб ўрганиш эса Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик воҳаларида кенг кўламда археологик, геоморфологик ва картаграфик тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган бундай тадқиқотлар 30-йилларнинг охирларидангина бошланган эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг суғориш

тарихига бағишланган дастлабки асарлар деярли ўрта аср муаллифларининг манбалари асосида ёзилиб, уларда кўпроқ ўрта аср ирригацияси устида сўз юритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўрта асрнинг улуғ алломалари Мусо Хоразмий, Абдуллох Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ал-Фарғоний асарларида ўлканинг дарёлари, суғориш иншоатлари, дехқончилик тармоқлари ҳақида озми-кўпми маълумотлар учрайди.

Хусусан, Абдуллох Хоразмий (Хаср) ўзининг “Муфтох-ал-улум” (“Фанлар калити”) луғатининг маҳсус бир бобини Марв воҳасининг ирригацияси, ҳамда ирригацион техникасига бағишланган.

Шу билан биргаликда географ ва тарихчи Ибн Руста, Истахрий, Муқаддасий, Мақдисий, Табахрий, Наршахи, Белозурий, Яқубий, Ибн-ал-Факих, Ибн-ал-Асир, Ёкут, Самоний, Насафий асарларида Чингизхон истилосигача бўлган Ўрта Осиё тарихини, география хўжалигини, шу жумладан суғорма дехқончилигини ўрганиш учун қимматли маълумотлар бор. Уларнинг асарларида Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларини, дехқончилик воҳаларини суғорган Амударё (Жайхун) Сирдарё (Сайхун), Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё, Мурғоб, Тажан ва бошқа дарёлар Чунончи муаллифи номаълум бўлган, XV-XVI-асрларда ёзилган “Зироатнома” асари ўша давр қишлоқ хўжалиги тарихи, экин турлари, мевали дарахтларни пайвандлаш, ўғитлаш қишлоқ ҳақида маълумот берувчи ягона асар ҳисобланади. У ўзида жуда катта даврдаги дехқончилик ва боғдорчилик тажрибаларини қамраб олган. З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам ўлкамизда экиб ўстириладиган экин турлари ва полиз экинлари ҳақида маълумот бор. Демак, илк ўрта асрдан XIX –асрнинг биринчи ярмида яшаган муаллифларнинг асарларида Ўрта Осиё дехқончилиги, ирригацияси ва ирригация техникаси ҳақида муайян даражадаги маълумотлар ёзиб қолдирилган. Ўрта Осиё ирригация тарихини ўрганишда академик В.В.Бартольднинг “Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир” номли китоби ва “Туркистоннинг келажаги ва унинг ўтмиш излари” мақоласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса унинг “Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир” китоби араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган тарихий ва географик манбалардан тўпланган бой фактик маълумотлар асосида ёзилган капитал асардир. Бу асар, шубҳасиз ўз даврида рус шарқшунослиги фанига қўшилган катта ҳисса бўлган. Аммо В.В.Бартольднинг Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига бағишланган бу асарга баҳо берганда деб ёзади А. Мухаммаджонов шуни айтиб ўтиш жоизки, унда ирригация масалалари мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тарихи билан боғлаб берилмаган. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг қадимги дехқончилик воҳаларининг суғорилиш тарихига оид жуда бой фактик маълумотлардан асарда тегишли тарихий умумлаштиришлар қилинмаган. Асарда Ўрта Осиёда суғорилишнинг энг асосий воситаси бўлган ирригация техникаси масаласи муаллиф тадқиқотларидан четда қолган. Бу ҳақда В.В.Бартольднинг ўзи ҳам “...маҳсус гидротехника билимини талаб этадиган масалаларга тегмадик.”- деб асар муқаддимасида қайд қилиб ўтади. Ҳолбуки, В.В. Бартольд ўзининг “Туркистоннинг келажаги ва унинг ўтмиш

излари ” номли мақоласида қайд қилиб ўтганидек, унинг бу асари суғориш тарихига бағишланган дастлабки илмий тадқиқот бўлганлиги сабабли, ёзма манбалардаги (айниқса вақф хужжатларидаги) маълумотларни тўла қамраб, Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ёритиб бера олмас эди. Бироқ юқоридаги қайд этилган камчиликлардан қатъий назар В.В. Бартольднинг бу асари Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги суғорилиш тарихига оид қимматли маълумотларнинг мажмуаси сифатида ўзининг илмий қимматини ҳозиргача сақлаб келмоқда.

Маълумки, археология фанининг тараққиёти Ўрта Осиёхалқларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихий муаммолари билан бир қаторда, ўлкани ирригация жихатдан ўзлаштириш тарихи масаларини ёритишда тадқиқотчилар учун катта имконият очиб берди. Кейинги вақтда олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли Ўрта Осиёнинг қадимги воҳаларидан ҳисобланган Копетдоғ этаклари, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона водийси, Шош, Илоқ ва Сурхон-Шеробод воҳаларида Ўрта Осиё халқлари тарихининг турли босқичларига оид жуда бой моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди.

Ўрта Осиёнинг катта-кичик дарё хавзаларини археологик жихатдан кенг кўламда ўрганиш ва Ўрта Осиё халқларининг узок ўтмишдан қолган тарихий обидаларни топиб, илмий асосийда уларни ҳар тамонлама чуқур текшириш ишига 1930-1934 йилларда Б.А.Латинин, 1934-1939 йилларда А.Ю.Якубовский бошлиқ Зарафшон, 1936-1938йилларда М.Е.Массон раҳбарлигидаги, 1937-1939 ва 1947-1954 йилларда В.А. Шишкин бошлиқ Варахша, 1937 йилардан бошлаб Амударё этакларида мунтазам фаолият кўрсатган С.П.Толстов раҳбарлигидаги, 1950-1970 йилларда Я.Ғ.Ғуломов бошлиқ археологик экспедициялар жуда катта хисса қўшадилар.

Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи масалалари тарихини ўрганишда археолог олимлардан Д.Д.Букинч, М.Е.Массон, С.П.Толстов. Я.Ғ.Ғуломов, Б.А.Латинин, В.А.Шишкин, А.В.Андирианов, В.М.Массон. Г.Н.Лисицина. Н.Г.Минишина, К.А.Акишев, К.М.Байпаков, А.Бобохонов, З.Х.Хусанхўжаев, Р.Х.Сулаймонов, А.Асқаров, У.Исломов, С.К.Кабаров,М.М.Тагиев, Х.М.Муҳамедов ва бошқаларнинг хизматлари айниқса каттадир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, профессор С.П.Толстов раҳбарлигидаги Амударё ва Сирдарё этакларида кўп йиллардан бери кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб борган Хоразм археологик ва этнографик экспедициясининг ишлари айниқса диққатига сазовордир. С.П.Толстов ҳисобига кўра Ўрта Осиёнинг бу икки азим дарёлари этакларида умумий майдони тахминан 4,5 млн. гектардан ошиқроқ қадимги суғорилган ерлар, шундан 2,5-2,8млн гектари Сирдарё ва 1,8млн гектардан зиёдаси Амударё эшакларида жойлашган. С.П.Толстовнинг фикрича, агромелиоратив шароити жихатидан бу қадимги ер майдонлари қайтадан деҳқончилик қилиш учун яроқли бўлиб, уларни деярли катта капитал маблағлар сарфламасдан ўзлаштириш мумкин экан. Бу ерларни археологик жихатдан мукамал ўрганган С.П.Толстов ўз фикр ғояларини “Древний Хорезм”, “ По древним дельтам окса и Яксарта” , “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” каби йирик

асарлари ва кўплаб мақолаларида асослаб берган. “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарида ҳам Хоразмнинг ирригация тарихи ҳар томонлама чуқур ва муфассал таҳлил қилиб берилган. Суғорилиш масалаларига бағишланган асарлар асарлар орасида академик Я.Ғ.Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли монографияси ирригация муоммоларининг кўйилиши ва турли ҳолдаги манбалардан келтирилган бой фактик маълумотлар асосида уларнинг тўла ва батафсил таҳлил этилиши жихатдан алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар кириш тўқиз боб ва хулосадан иборат бўлиб, унда Амударё ва унинг дельтаси, қадимги суғорилган ерлардаги ибтидоий маданият, Хорахмда илк давлатларнинг ташкил топиши ва сунъий каналларнинг барпо этилиши, қулдорлик тузуми даврида Хоразмда ирригация (милодгача бўлган IV-аср милоднинг VI-асри), Илк катта ер эгаллиги даврида ирригация (милоднингIV-IX -асрлар) феодал катта ер эгаллиги тараққиёти даврида Хоразмнинг суғорилиш босқичлари, XVI-асрдан сўнг Хоразмнинг суғориш тармоқлари динамикаси қабилаларнинг жойлашиши, Хива хонларининг сиёсати Хоразмнинг суғориш техникаси тарихидан ва ниҳоят Амударёнинг қуйи оқимида ирригациянинг 1917-йилдан кейин ривожланиши масалалари батафсил баён этилган. Сунъий суғорилишнинг келиб чиқишидан бошлаб то бизнинг замонамизгача бўлган жуда кенг даврни ўз ичига олган Я.Ғ.Ғуломовнинг бу асари кўп йиллик археологик текширишлар, ёзма манбалар ва этнографик, ҳамда топонимик маълумотлар асосида ёзилиб, унда муаллиф Хоразмнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, унинг суғорилиш тарихи динамикасини (ривожланиш босқичини) даврма давр талқин этади ва асослаб беради.

Монографияда Амударё этакларидаги дельта ирмоқларининг тошқин сувларидан ҳосил бўлган лимонларда суғорма дехқончиликининг пайдо бўлиши жараёнини тасвирланар экан, муаллиф тошқинларнинг тасодифий ва беқарорлиги туфайли Хоразмнинг ибтидоий дехқонлари уларга батамом қарам бўлиб, ҳар фаслда доимо қулай лимонлар қидириб тошқинлар орқасидан кўчиб юришга мажбур бўлганлар ва дехқончиликнинг кўчма характерда бўлиши сабабли, Капетдоғ этакларида қайд қилинган ўтроқ мустаҳкам қишлоқларнинг бу ерда вужудга келмаганини жуда тўғри кўрсатади. Тадқиқотнинг навбатдаги бобларида антик, қулдорлик, феодализм ва ундан кейинги суғорилиш тарихи, уларнинг динамикаси, Хоразмда суғорилиш техникаси, шунингдек инқилобдан кейинги даврдаги ирригация масалалари атрофлич ёритилган. Бу жихатдан Я.Ғ.Ғуломовнинг У.Исломов ва А.Асқаров билан биргаликда ёзган Зарафшоннинг қуйи оқимида ибтидоий маданият ва суғориш дехқончилигининг пайдо бўлиши асари ҳам диққатга сазовардир. Мазкур асар ва Я.Ғ.Ғуломовнинг бошқа асарида Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги ибтидоий ёдгорликлар, суғориш дехқончилигининг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёти ҳақида қимматли маълумотлар баён этилган. 50-60 йилларда Амударё ва Сирдарё этакларида қадимги суғориш тармоқлари тизими қолдиқларини археологик ва топографик жихатдан ўрганиш борасида Хоразм экспедициясининг кенг кўламда олиб борган текширишларнинг натижалари Б.В.Андриановнинг бир

катор илмий тадқиқотларида жуда кенг талқин этилган. Амударё ва Сирдарёнинг қадимги дельталари ҳавзасининг ирригация тармоқларига оид жудабой археологик ва топографик маълумотлар Б.В.Андриановнинг “Орол бўйининг қадимги суғорилиш системалари” номли монографиясида умулаштирилган. Ўрта Осиёда суғориш техникаси ва деҳқончилигига бағишланган навбатдаги илмий асар академик А.Р.Мухаммаджоновнинг “Қуй Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихи”дир. Асар етти бобдан иборат бўлиб, унда Зарафшон дарёси ва унинг қуйи оқими, Қуйи Зарафшоннинг қадимги суғорилган ерлари ва Бухоро воҳаси суғорилишнинг тарихий динамикаси, Бухоро ва Самарқанд ўртасида сув таҳсимотининг қадимги тартиблари, масалалари ҳар тамонлама ва чуқур таҳлил қилинган.

Шунингдек ушбу монографияда Самарқанд масаласи ва Бухорнинг сув таълимоти, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида сув таҳсимотини тартибга солиш, Амударёдан Бухоро воҳасига сув чиқариш ва Зарафшон водийсида сув омборлари қуриш масаласи ва Зарафшон водийсининг ирригация техникаси масалалари илмий адабиётлар ва археологик ашёларга асосланиб таъриф ва тавсиф этилган.

Демак, А.Р.Мухаммаджоновнинг ушбу асари Зарафшон воҳасида қадим замонлардан то XX асргача бўлган суғориш техникасининг ривожланиши ҳамда қадимда воҳада суғорилган ерлар ўрнини аниқлаш тарихига бағишланган энг нодир асарлардан биридир.

60-70-йиллардан бошлаб Ўрта Осиё ва унинг таркибий қисми ҳисобланган. Ўзбекистонда ҳам суғорма деҳқончилик билан кўпгина олимлар шуғулландилар. Жумладан, Фарғона водийсида проф С. Жалилов Тошкент ваҳасида, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги ерларнинг суғорилш тарихи ҳақида А.Набиев Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги ерларни суғорилиши тарихи ҳақидаги Ғ.Дадабоев, З арафшон воҳасининг суғорилиш тарихи ҳақида М.Тагиев Самарқанд, Жиззах вилоятлари орасидаги Туркистон чизмасининг шимолий ёнбағридаги ерларининг суғорилиш тарихи билан С.Анарбаев, Бинкат шахрини сув билан таминлаш тарихи билан А.Кабиров ва бошқалар шуғулланишган.

Мазкур муаллифларнинг тадқиқот ишларининг натижалари, муаян диссертацияларда айрим тўпламларда ва маҳаллий матбуотларда ўз аксини топган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, суғорма деҳқончилик ва ундан келадиган маҳсулотлар халқ фаровонлигининг энг асосий бири ҳисобланади.

Олим-мутахассислар тақидоаб ўтганларидек атрофи унумсиз чўл саҳролар билан қопланган Ўрта Осиё иқлими ва тупроқ шароити... канал ва сув иншоатлари ёрдами билан сунъий суғориш тизимини шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйган. Мақолага муҳатасар якун ясаб шуни айтиш жоизки, “тарих отаси ” Герадот бутун Мисрни “Нил тухфаси” деб ҳисоблаган бўлса, Фарғона Сирдарё ва унинг ирмоқлари, Шош-Илоқ, Чирчиқ ва Оҳангарон, Сўғд , Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Шеробод воҳаси Сурхандарё ва Шеробод, Марв ва АКшҳабот воҳалари Мурғоб ва Панжоб,

ниҳоят қадимги Хоразм воҳаси Жайхун ва Амударё тухфаси дейилса муболаға бўлмас.

Машҳур тарихчи Истаҳрий “Хоразм Жайхуннинг бутун фойдасини ола билган мамлакатдир.” деган ибораси Ўрта Осиёдаги деҳқончилик воҳаларидан оқиб ўтувчи дарёларга ҳам таълуқлидир.

Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихига оид кўплаб, рисола, монография ва юзлаб мақолалар чоп этилган бўлса ҳам.

Ўрта Осиёнинг суғорилиш ва зироатчилик тарихини мукамал ва атрофлича ўрганиш келгусининг энг муҳим вазифа ва муаммоларидан биридир.

Олимлар таъкидлаганидек Европада ҳосилнинг яхши ёки ёмон бўлиши оби-ҳаво ва ёгин сочинга боғлиқ бўлган бўлса Шарқда, хусуан Ўрта Осиёда яхши подшоларга боғлиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Акишев К.А. Бойпаков К.М. Земли древнего орошения в низовьях реки Или.- “Земли древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного исследования.” М, Наука,” 1969.
2. Адрианов Б.В. Из истории земель древнего орошения Хоразмского оазиса,- Сборник “Памяти академика М.С.Берга,” М, 1955.
3. Андирианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья (В связи историей возникновения и развития орошаемого земледелия), М, Изд-ва «Наука», 1969.
4. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана, Сочинения, Т III- М. Изд-ва «Наука» 1965 г.
5. Гулямов Я.Г. Из история орошения в Каракалпакин «Бюллетен АН УзССР» 1945 № 9-10,
6. Гулямов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихидан Т. 1959,
7. Гулямов Я.Г. Исломов У, Асыаров А, Первобытная культура и возтекновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т. Изд-ва «Фан» 1966,
8. Латынин Б.А. К. вопросу об истории ирригации,-Сб «АН СССР академику Н,Я, Марру» М-Л, 1935,
9. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы- «Краткие сообщения института истории материальной культуры, вып 64, М. 1956,»
10. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихи.”Фан” нашриёти Тошкент 1972.
11. ТолстовС.П. Древний Хорезм М., Изд-ва МГУ 1948,
12. ТолстовС.П. По древним дельтам Окса и Яксарта М. ИВЛ 1962,
13. ТолстовС.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб Тош. “Фан” нашриёти 1964.
14. Жабборов И.М. Ўзбеклар. Тош 2008.
15. Мухаммаджонов А. Қадимги сув иншоотлари “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент 1968
16. Мухаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари“Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент 1997
17. Тагиев М.М. Из истори развития ирригации Самаркандского оазиса.”Фан” нашриёти Тошкент 1973.
18. Холматов Қ. БаратовМ. Тошкент шахрининг ирригация шахобчалари.”Фан” нашриёти Тошкент 1983.

Қўзибоев Р.	Иккинчи жаҳон уруши арафасида Қашқадарё вилоятининг ижтимоий аҳволи.....	274
Эсанова. Х.	Навоий вилоятида саноат ривожланиши ҳақида баъзи мулоҳазалар (Навоий кон – металлургия комбинати мисолида).....	277
Ғаффоров Я.	Тарих дарси самарадорлингини ошириш негизлари	280
Очилов А.Т.	Ўрта Осиёда суғорма дехқончиликнинг ўрганилиш тарихидан.....	283
Қудратов Ш.Ё	Бухоро амирлиги бекликларидаги савдо марказлари ва бозорлар фаолияти.....	289
Шаропов Д.Р.	Амир Темур ва Темурийлар даври тарихининг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар: тарихшунослиги ва манбашунослиги.....	292
Жўраев А.Т.	Ўрта Осиё халқаро маданий алоқаларининг қадимги давлатчилик давридаги айрим жиҳатлари.....	294
Розаков А.А.	Влияние предвыборных съездов на установки электората на президентских выборах в США.....	297